КУТУБХОНАСИ



ВАТАН ИЧРА ВАТАН МАҲАЛЛА — 2-бет
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар
САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН — 7-бет
ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 150 (9.953) / 2003 ЙИЛ 1 АВГУСТ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

❑ **«ТОШКЕНТ** Лакбўёқ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига иш самарадорлигини ошириш мақсадида хориждан замонавий технологиялар келтирилди.

❑ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида инсон ҳуқуқлари тенглиги масалаларига бағишлаб уюштирилган семинарда ҳуқуқшунослар, корхона-ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

❑ **ШАҲРИМИЗДА** шифокорлар, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган семинар-тренингда юқумли ўткир ичак касалликларининг олдини олишда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш ва сут маҳсулотларининг сифатини яхшилаш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

❑ **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги Баҳоуддин Нақшбандий маҳалла гузарида «Маҳалла куни»га бағишланган байрам тадбири уюштирилди.

❑ **БУГУН** Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий маркази томонидан уюштирилган танловнинг ғолиблари Республика мактаб ўқувчиларининг ёзги экологик оромгоҳига йўл олдилар.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## 2 август — «Маҳалла куни»



Йилларимиз бири-биридан гўзал. Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш йили деганда бир бутун яхлитлик, яъни уларнинг барчаси мантиқан бирбири билан боғлиқлигини кўрамиз. Обод маҳалла йили эса уларнинг узвий давоми бўлди. Энг асосийси бу номларнинг ҳар бирида инсон саломатлиги, унинг турмуш тарзини яхшилаш, эл-юрт ободлиги йўлида хизмат қилишдек олий ният акс этиб турганлиги барчани қувонтиради. Бугун бу эзгу ишлар Мустақиллик шарофатидан эканлигини ҳамма кекса-ю ёш ўз кўзи билан кўриб, юракдан ҳис этиб турибди.

Албатта, тинч ва фаровон юртнинг байрамлари кўп бўлади. Хусусан, ҳар йили август ойининг биринчи шанбасида шаҳримизда нишонланадиган «Маҳалла куни» байрами тадбири ҳам ана шулар жумласидандир. Истиқлол берган неъматлардан бири сифатида етти йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган бу шодиёна кун Юртбошимиз, ҳукуматимизнинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига беқиёс ғамхўрлигидан далолат бериб турибди.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин азиз маҳаллadoшлар!

**(Маҳалла кунига бағишланган материалларни газетамизнинг 2-бетида ўқийсиз)**

## БАЙРАМ ЯНАДА ЖОЗИБАЛИ ЎТАДИ

**Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам — Истиқлол айёми тобора яқинлашиб келмоқда. Анъанага кўра юртимиздаги асосий тантаналар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади.**

Шу кунларда бу ерда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий-ижодий гуруҳининг ишлари қизғин тус олган.

Байрамни ўтказиш бўйича бош режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидовнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, 31 август куни ўтказилажак катта байрам томошаларида саккиз мингдан зиёд киши қатнашади. Улар орасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ҳамда «Ўзбекрақс» бирлашмалари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, юртимизнинг энг сара ижодий мусиқий, фольклор-этнография, болалар жамоалари, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей, хореография, мусиқа билим масканлари, санъат мактаблари ўқувчилари бор.

Мухташам «Туркистон» саройида байрам тантаналарида янграйдиган эстрада қўшиқлари сараланмоқда. Таъкидлаш жоизки, эстрада блокида санъатимизнинг ёрқин юлдузлари билан бир қаторда мусиқа оламига энди кириб келаётган умидли ёшлар ҳам иштирок этадилар. Овоз ёзиш студияларида шоир ва бастакорлар томонидан байрамга атаб тайёрланган янги куй-қўшиқлар тасмага туширилмоқда.

Майдон шу кунларда гавжумлашган. Қурилиш ва монтаж ишлари айни авжида. Улкан саҳна, томошабинлар учун амфитеатр, ёритиш, овоз кучайтириш ускуналарини ўз вақтида ва пухта ўрнатаётган қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қурилиш ишларига ўнлаб ташкилотлар жалб этилган.

Сунъий йўлдош орқали жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига тўғридан тўғри узатилувчи улуғвор байрам томошаларида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимиз сиймоси юксак бадиий воситаларда акс этади.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги байрам юртимизда янада серфайз ва жозибали ўтади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

• ТЕСТ СИНОВЛАРИ

## ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР БОШЛАНДИ

**Абитуриентлар учун орзиқиб кутилган ҳаяжонли дамлар етиб келди. Бугун республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тест синовлари бошланади. Қалблари ва чеҳраларида ҳам қувонч, ҳам ҳаяжон билан таълим маскани остонасига қадам қўяётган абитуриентларнинг орзу-мақсадлари битта— у ҳам бўлса имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиш.**



Айтиш мумкинки, олий таълимнинг сифати энг аввало,талабаликка салоҳиятли, иқтидорли ёшларни қабул қилишдан бошланади.

— Бу йил ҳам албатта абитуриентларга бериладиган тест топшириқларини ўта махфийликни сақлаган ҳолда, мукаммал даражада тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилди,—дейди Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов.— Айтиш жоизки, тест топшириқларини таклиф ва истаклар асосида қайта такомиллаштирилди, шунингдек ҳар йилдагидек уларнинг заҳираси янги тест саволлари билан тўлдириб борилди. Демак, абитуриентлар кўплаб янги саволларга дуч келадилар. Бу йил тест синовларини белгиланган тартибда муваффақиятли ўтказиш мақсадида жойлардан 17 мингга яқин аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар жалб этилди. Давлат тест маркази вакиллари улар, шунингдек олий ўқув юртларидаги қабул комиссияси аъзолари билан махсус йиғилишлар ўтказиб, зиммаларидаги вазифаларни аниқ ва батафсил тушунтиришди. Олий таълим муассасалари томонидан тест синови ўтказилиши учун ажратилган бинолар ва аудиториялар ҳолати атрофлича ўрганилди,муаммолар ҳал этилди.Бир сўз билан айтганда олий ўқув юртига киришнинг ягона йўли—билим ва иқтидор.

**Дилором ИКРОМОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАР, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 31 ИЮЛЬ КУНИ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА БЎЛДИ.**

**● Тошкент вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда мамлакатимизга товарларнинг контрабанда йўли билан кириб келишига қарши курашни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.**

**● Мирзачўл тумани маркази — Гагарин шаҳрида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг меваси сифатида кунига 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона қуриб битказилди.**

**● АҚШнинг халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) мамлакатимизда «Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар» лойиҳаси асосида иш бошлади. Лойиҳага кўра 102 та мактабга 1000 дан зиёд компьютерлар топширилади.**

**● Давлатобод туманидаги болаларни соғломлаштириш марказида Наманган вилоятида истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари иштирокида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида Самарқандда яшаб, ижод қилаётган мусаввирлар асарларининг «Саратон» деб номланган кўргазмаси очилди.**

### Жаҳонда

**● Оқ уйда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот анжумани ўтказган АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқ, Яқин Шарқ, Шимолий Корея, терроризм ва мамлакатнинг ички масалаларига тўхталиб ўтди.**

**● Американинг Ироқдаги муваққат ҳукумати етакчиси Пол Бремер Ироқда сайловлар ўтказилиши мумкинлигини билдирди. Унинг айтишича, сайловлар Ироқ аҳолиси референдум орқали янги Конституцияни тасдиқлагандан кейин ўтказилади.**

**● АҚШ, Буюк Британия, Африка давлатлари ҳарбийларидан иборат гуруҳ фуқаролар уруши давом этаётган ушбу мамлакатда тинчликпарвар кучларни жойлаштириш масалаларини ўрганиш мақсадида Либерияга келди.**

**● Шимолий Корея ўз ядро дастури юзасидан кўп томонлама музокараларни қайтадан бошлашга розилик берди.**

**● Чеченистонда экстремист Раппани Халилов жангариларининг лагери топилди ва йўқ қилинди.**

2 август — «Маҳалла куни»

# МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

**Ватан ичра кичик бир ватан бўлмиш маҳаллалар азал-азалдан ривожланиб, элу юрт жипслиги, аҳоли ҳамкорлиги ва бирдамлигига хизмат қилиб келган. Мустақиллик йилларида эса ушбу ноёб тузилманинг янгидан-янги қирралари, имкониятлари очилиб бормоқда. Меҳр-оқибат, мурувват, яхши қўшничилик асосларига қурилган ушбу тизимнинг Обод маҳалла йилида янада чирой очиши шубҳасиздир.**

## Фаровон ва ораста маскан

Миробод туманида жойлашган «Сарикўл» маҳалласини ҳам ана шундай намунали, озода ва саранжом масканлар қаторидан ўрин олаётган гўша деб атасак адашмаган бўламиз.

Маҳаллага кириб келган кишининг эътибори беихтиёр озода ва равон кўчалар, атиргулу райҳонлар уфори таралиб турган файзли, саранжом-саришта хонадонларга тушиб кўнглига ҳузурбахш иликлик таралади.

— Маҳалламизда 7315 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда «Сарикўл» маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раисаси Хурсаной Авазова. — Ўн беш миллатга мансуб бўлган каттаю кичик билан бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ, баҳамжиҳатликда яшаб, иш юритиб келмоқдамиз. Шунинг учун ҳам маҳалламиз тинч, осуда, гиёвандлик, турли диний оқимларга кириб қолиш, уруш-жанжал, нотинч оилалардан ҳоли. Биз фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари, бўш вақтларини унумли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини сингдириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқдамиз. Маҳалла оқсоқолидан тортиб шу маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро ушбу ишни умумиши деб қабул қилган ва шунга барчамиз амал қиламиз. Ёрдамга муҳтож, ҳаётда қийналиб қолган, кекса ва ёлғиз инсонларга ҳамиша кўмак беришга, моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Вояга етмаган, тарбияси оғирроқ бўлган ёшлар билан алоҳида иш олиб борамиз. Уларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, бирон фойдали юмуш ёки спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга интиламиз. Маҳалламиздаги 15 та кўчанинг ҳар бирида болалар командаси тузилган ва улар кўчанинг озодалиги, кўкаламзор ва ораста бўлишига, спорт машғулотларининг вақтида ўтказилишига, маҳалла кутубхонасида ўқиб, ўрганиб, давра суҳбатлари ўтказилишига бошчилик қиладилар.

«Энг намунали» деб топилган кўча бошлиқлари — болажонлар совға-саломлар билан тақдирланадилар. Ёшларнинг масъул этиб қўйилиши, уларга бўлган ишонч ўзининг ижобий самарасини беряпти. Маҳалла кутубхонасининг ишга тушиши, қизиқарли бадиий кечаларнинг, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувларнинг ўтказилиши жуда маъқул бўлмоқда.

Маҳалламиз ҳудудида спорт комплексининг йўқлиги боис 154-мактабда машғулотлар ўтказилади. Ҳозирги кунда ҳудудимиздаги бўш ётган ерда ҳомийлар кўмагида спорт майдончасини қуриш ҳақидаги масала кўриб чиқилмоқда. Маҳалламизда жойлашган 8-боғчада ёшларимизни пазандалик, чеварлик, қизларни оилага тайёрлаш кабиларга ўргатиш мақсадида машғулотларни ўтказишга келишилмоқда.

Обод маҳалла йилида маҳаллаларимиз наинки озода, унда яшовчилар ҳам ўзлигини таниган, ҳуқуқий саводхон, маънавиятли инсонлар қаторидан ўрин олишлари лозим. Пойтахтимиз Тошкентни гулу гулзорга айлантириш ҳақидаги ибратли ташаббус йўлида 1000 дан ортиқ мевали ва манзарали дарахт, 500 тупдан ортиқ атиргул кўчатлари экилиб, маҳалламизнинг янада чирой очишига ҳисса қўшдик. Ён-атрофимизда жойлашган корхона ва ташкилотлар, ҳар бир хонадон атрофининг озода, обод ва кўкаламзор, кўрганда кўз қувнайдиган бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз. Шу мақсадларни кўзлаб «Энг ибратли оила» танловини эълон қилдик.

Амалга оширилаётган барча хайрли ишларда профилактика инспектори Бердивой Мирзабоев, сардорлар бошлиғи Зокиржон Қамбаров, педагог-тарбиячи Альфия Мамажоновалар бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Маданий дам олиш режалари ҳам вақтида бажариб келинмоқда. Куни кеча Чирчиқдаги «Ором» дам олиш масканида бўлиб қайтдик. Ўзбек Миллий академик театрига, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига тез-тез бориб, болажонларимизнинг мазза қилиб дам олиб қайтишларига шароит яратганмиз. Маҳалламизда қилинаётган барча ибратли ишлар халқимизнинг яхши ва фаровон турмуш кечириш йўлидадир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## «ГУЛИСТОН» — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

**Келажак эгалари бўлган ёшларимизнинг соғлом, бақувват ҳолда вояга етишлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг спортга қизиқишларини янада орттириш мақсадида маҳаллалараро ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» футбол мусобақаларининг шаҳар босқичи якунига етмоқда.**



Куни кеча «Пахтакор» марказий ўйингоҳида 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган финал беллашувида Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалласининг «Қорасарой» ва Чилонзор туманидаги «Гулистон» маҳалласининг «Гулистон» жамоалари ўзаро куч синашишди.

Ўйин жуда қизиқарли, ҳужумкор руҳда ўтди. Ҳар иккала жамоа ҳам ғалаба учун астойдил курашди. Мусобақани томоша қилаётган ўқитувчилар, ота-оналар, болажонлар уларни қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб турдилар. Ушбу мусобақада чиройли ўйин кўрсатиб ғалабага эришган Чилонзор туманининг «Гулистон» жамоаси ўз ёш тоифасидаги шаҳар босқичининг ғолиби бўлиб Республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ўринга Собир Раҳимов туманининг «Қорасарой» жамоаси сазовор бўлди. Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» ва Мирзо Улуғбек туманидаги «Оққўрғон» жамоалари учинчи ва тўртинчи ўринларни қўлга киритишди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқ ва кубоклар топширилди.

**Шоҳида МАҲМУДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Футболимиз келажаги» мусобақаси шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланмоқда; мусобақа иштирокчилари.**



• ДИЛЛАШУВ

## «ТАБАССУМ»ГА КЕЛИБ ТАБАССУМ ҚИЛИНГ

**Собир Раҳимов туманидаги «Табассум» маҳалласи фуқаролар йиғинини кўп йиллар давомида Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Табассум» радиодастурида фаолият кўрсатган истеъдодли журналист, шоир Тўлан Қўзибоев бошқариб келади. «Маҳалла куни» байрами арафасида Тўлан аканинг Обод маҳалла йилига бағишланган шеър, қўшиқ, лапарлардан иборат «Маҳалла мадҳи» номли тўплами нашрдан чиқди. Бизнинг ҳам журналист, ҳам оқсоқол Тўлан ака Қўзибоев билан мухтасар суҳбатимиз «Табассум» маҳалласида аҳоли маънавияти ва маърифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, шоирнинг янги тўплами хусусида кечди.**




**— Сизни Тўлан ТАБАССУМ дейишади. Айтингчи, сиз етакчилик қилаётган маҳаллада кишиларнинг дилларини хушнуд этиш, маънавиятини кўтаришга қандай эътибор қаратилган?**

— Албатта. Мен обод маҳалла деганда нафақат маҳаллаларнинг ташқи гўзаллигини ривожлантириш, чиройли ва шинам гузарлар қуришни, балки биринчи навбатда кишиларнинг диллари, маънавиятлари ҳам обод бўлишини тушунаман. Илгари тилимдан табассум сўзи тушмаган бўлса, энди доим маҳалла, маҳалла деяпман.

Дунёни маърифат сақлаб қолади, деган гап бор. Маҳалламиз таркибида 27 та кўп қаватли уй, 6 мингта аҳоли бўлса, шунча хил характерлар бор. Кишиларнинг кўнгилларини топиб, яхши, хайрли ишларга бошлашга, маърифатни кучайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Чунончи, «Маҳалла кўзгуси» номли деворий газетамиз бўлиб, уни байрамларда чиқариб турамиз. Яқинда, «Табассум» радиодастури ижодкорлари билан биргаликда «Табассум маҳаллада» мавзуида учрашув ўтказдик. «Кулги ғунча» номли тўгарак очганмиз. Бундан ташқари қувноқ интермедиялар, хандалардан ташкил топган «Болалар кулса — олам кулади» мавзуида томоша тайёрлаб республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида намойиш этдик. Мақсадимиз болаларимиз қувноқ, хуш кайфиятда, табассумга ошно ҳолда ўсса.

**— «Маҳалла куни» арафасида янги тўпламингиз нашрдан чиққани билан табриклаймиз. Унинг қандай дунёга келгани ва тўпламдан ўрин олган шеърлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Маҳалланинг ўзи битта бўлсада, фаолият йўналишлари беадад. Уни ҳар қанча улуғласа, қадрласа, мадҳ этса арзийди. Туманимиздаги ҳамма маҳаллалар ҳаётини пухта ўрганган ҳолда «Маҳалла мадҳи» номли тўплам тайёрладим. У тўрт фаслдан иборат бўлиб, «Дилнома» номли биринчи фаслдан шеърлар, қўшиқлар, лапарлар, «Баённома» фаслидан эса анъанавий «Маҳалла куни» муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги барча маҳаллалар номлари ўтказган ғаройиб «тадбир»дан достон лавҳа ўрин олган, «Томошанома» номли учинчи фаслда «Маҳалланинг «хўрози» номли кўп кўринишли қувноқ томоша берилган. Охирги фаслдан ихчам сатрлар, тўртликлар ўз ўрнини топган.

Менинг доимо истагим битта, у ҳам бўлса:

**Қишу ёз — ҳар паллада,**
**Гул унсин маҳаллада.**
**Шодлик, қувонч бўлсин мўл,**
**Қани дўстлар, ташланг қўл!**

**Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.**

## «02»: ҲОДИСА

◆ Шайхонтоҳур туманидан тушган хабарга кўра, 1986 йилда туғилган В. Карималиев ва 1986 йилда туғилган С. Комиловлар далилий ашё билан қўлга олинган. Маълум бўлишича улар бегона шахсга тегишли бўлган «ВАЗ-21011» русумли, давлат белгиси 30 А 2260 автоуловидан «ДЭУ» автомагнитоласини ўғирлашган. Ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Худди шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1963 йилда туғилган М. Жамилов билан тергов жараёнида аниқландики, у Шарипов кўчасида жойлашган фирмадан 60 метр электркабель симини ўғирлаб кетган.

◆ Мирзо Улуғбек туманида эса номаълум шахс «Бешёғоч» бозори олдида қаровсиз қолдирилган, 1974 йилда туғилган А. Маҳмудхўжаевнинг «ВАЗ-2104» русумли; давлат белгиси 10 В 3626 автоуловининг 35.000 сўмлик олди панжарасини ўғирлаб кетаётган вақтда қўлга олинган. Маълум бўлишича, Андижон вилоятида яшовчи, 1970 йилда туғилган Содиқов ушбу жиноятни содир этган. Ҳозирда унга нисбатан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Чилонзор туманидан тушган хабарларга кўра, ички ишлар ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилди. Шу туманда яшовчи 1952 йилда туғилган А. Мирзаев ва унинг 22 ёшли ўғли С. Мирзаевлар катта миқдордаги опий гиёвандлик моддасини 3100 АҚШ долларига сотаётганда далилий ашё билан қўлга олиндилар.

◆ Шайхонтоҳур туманида ўтказилган тадбир эса икки номаълум шахсни 400 АҚШ доллари ва 8.000 Россия рублини сўмга сотаётган вақтда қўлга олиш билан якунланди. Аниқланишича, ҳеч қаерда ишламайдиган И. бу каби ишлар билан илгари ҳам шуғулланган. Унинг яқин дўсти А. эса унга кўмаклашган. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Эндигина 11 ёшни қаршилаган Нигинадан ички ишлар бўлимига хабар тушди. Унга кўра 22 ёшли У. исмли қиз қўлга олинди. Маълум бўлишича, айбланувчи Нигинани қўрқитиш йўли билан қулоғидаги сариқ металлдан ясалган сирғасини тортиб олиб қочиб кетган. Бу вақтга қадар у олти миллион сўмлик буюмларни ўғирлаган экан. Далилий ашёлар у яшайдиган хонадондан топилган. У.га нисбатан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Акмал Икромов туманида яшовчи, 1980 йилда туғилган З. Алиев маст ҳолатда хотини Н. Алиеванинг бошига қўли билан уриб жароҳат етказган. Натижада жабрланувчи касалхонага келтирилган.

◆ Н. Жалилова ҳам оғир ҳолатда касалхонага келтирилди. Аниқланишича, кеч соат 23 ларда икки номаълум шахс Жалиловани пичоқ билан жароҳатлаб, сумкасидаги 28.300 сўм пулини ўғирлаган. Ушбу ҳолат бўйича 1982 ва 1980 йилда туғилган ака-ука Наимовлар қўлга олиндилар. Ушбу ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизмати материаллари асосида Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА тайёрлади.**

• ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ ОЛДИДАН

## ҲИССАМИЗ САЛМОҚЛИ БЎЛМОҚДА

**Ўзбекистон темирйўлчилари ҳар йилгидек жорий йилда ҳам ўз касб байрамларини меҳнат ютуқлари, ижобий ўзгаришлар, янги режа ва мақсадлар билан кутиб олмоқда. Ушбу соҳа ривожига муҳим ҳисса қўшишга интилаётган «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонасида ҳам тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Саҳат МУҲАММАДИНОВ байрам арафасида жамоатчи мухбирларимизга қуйидагиларни гапириб берди:**



— Темирйўлчилик — шарафли касб. Ушбу касб эгалари ана шу шарафли ва машаққатли ишда куч-ғайрат сарфлашмоқда. Уларга энг яқин ҳамкор ва мададкор бўлган корхонамизда ҳам кун сайин ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, иш сифати яхшиланиб бормоқда. Ўзбекистон темир йўл транспорти корхона ва ташкилотлари қатори бизнинг корхонамизда ҳам иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан борилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Корхонамиз меҳнат жамоаси олдида турган асосий вазифа—темир йўл техникалари, хусусан, ҳаракат таркибининг таъмири бўйича зиммага олинган асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муддатида бажарилмоқда. Бизнинг энг биринчи галдаги вазифамиз дизель локомотивлари ва йўловчи ҳамда юк вагонларини таъмирлашдан иборатдир. Бу борада йил бошида режалаштирилган вазифалар бажарилмоқда. Асосий кўрсаткич - тепловозлар таъмири бўйича олти ойлик топшириқ корхонамиз бўйича 112,8 фоизга бажарилди.

Жами 48 та тепловоз таъмирдан чиқарилиб, буюртмачиларга жўнатилди.

Таъмирловчиларимизнинг саъй-ҳаракати туфайли олти ой ичида 109 та якорли тортувчи электр двигателини таъмирдан чиқардик. Бундан ташқари 24 та усти ёпиқ вагон, 127 та ярим вагон ва 13 та йўловчи вагон таъмирдан чиқарилди. Ўтган ярим йилликда темирйўл корхоналарига 2591 та ғилдирак жуфтини созлаб жўнатишга муваффақ бўлинди.

Корхонамизда ҳаммаси бўлиб 13 та асосий ишлаб чиқариш цехлари мавжуд бўлиб ҳар бирининг ўзига хос йўналиши ва ўзига топширилган муайян вазифаси бор. Ҳар бир тепловозни бошдан охиригача таъмирдан чиқариш учун участкаларнинг камида 7-8 таси машғул бўлади. Бўлимимизнинг асосий вазифаси уларнинг бир маромда ишлашини мувофиқлаштиришдан иборат.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча темирйўлчиларни касб байрамлари билан қутлаймиз.

**Дилноза ҒИЁСОВА, Лайло РУСТАМОВА.**

**СУРАТДА: Тошкент минтақавий темир йўл узелига қарашли «Чуқурсой» бекати навбатчилари.**

## ЯНГИ «МЕРСЕДЕС»ЛАР ТАҚДИМОТИ

**«Яшил автобус»лар номи билан Тошкентнинг ўзига хос рамзига айланиб қолган «Мерседес»лар шаҳримиз жамоат транспорти тизимида қанчалик қулайлик яратаётгани яхши маълум ва шубҳасиз, улар таркиби янги русумлари билан тўлдирилиб борилаётгани ҳам пойтахтликлар назаридан четда қолмаяпти, албатта. Бугунги кунда эса шаҳримиз кўчалари бўйлаб хизмат кўрсатаётган «Мерседес» автобуслари сони 400 тага етди.**

Дарҳақиқат, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси ҳамда Германиянинг «Даймлер Крайслер» концерни минтақавий ваколатхонаси томонидан куни кеча уюштирилган тақдимот маросими шаҳримизга келтирилган янги 100 та «Мерседес» автобусларининг фойдаланишга топширилишига бағишланди.

Шуни айтиш керакки, мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида энг муҳим ижтимоий соҳалардан бири — жамоат транспортида хизмат кўрсатиш даражасини юқори босқичга кўтариш борасида катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, 1992 йилда Ўзбекистонга биринчи бор дунё миқёсида тан олинган «Мерседес—Бенц» автобуслари келтирилгани фикримиз далилидир. Ўтган ўн йил давомида Германияда ишлаб чиқарилган шу русумдаги автобусларнинг 300 таси харид қилинди ва бугунги кунда улар пойтахт жамоат транспортининг барча йўналишларида қатнамоқда. Бунинг эвазига шаҳар автобус саройлари моддий-техник негизининг 65 фоизини янгилашга эришилди. Ҳукумат даражасида ҳал этилган шартнома бўйича келтирилган «Мерседес»ларнинг катта қисми айни пайтда 1 миллион километрдан зиёд йўлни тўла таъмирсиз босиб ўтди. Бу эса, «Мерседес Бенц автобуси» компанияси ваколатхонаси раҳбари Вольфган Презингер фикрига қараганда, юқори кўрсаткич ҳисобланади.



Бунда юқори малакали ҳайдовчилар ҳамда «Мерседес Бенц» сервис маркази мутахассисларининг хизмати алоҳида ўрин тутишини В.Презингер таъкидлаб ўтди. Дарвоқе, ўн йилдан буён фаолият юритаётган мазкур сервис маркази Ўзбекистондаги «Мерседес» автобуслари техник ҳолатининг яхши сақланиб туришига масъулдир ва у ўз мажбуриятларини тўла ва аъло даражада адо этмоқда.

Мамлакатимизга ҳар жиҳатдан қулай «Мерседес» автобусларидан яна 300 тасини харид қилиш юзасидан келишув давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Германияга қилган охирги ташрифи давомида «Даймлер Крайслер» концерни раҳбари билан учрашуви чоғида имзоланганди. Ва шу кунга қадар «Мерседес Бенц-Конекто Ю» русумли янги автобусларнинг 100 таси шаҳримизга келтирилди. Ушбу транспорт воситалари германиялик мутахассислар томонидан Марказий Осиё давлатлари иқлими ҳамда йўлларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган махсус лойиҳа асосида «Даймлер Крайслер» концернининг Туркиядаги шўъба корхонасида тайёрланган.

Айни пайтда «Мерседес Бенц Тюрк АШ» заводида яна 200 та янги «Мерседес» автобуслари ишлаб чиқариш жараёни давом этмоқда. Жорий йил якунигача уларни пойтахтимиз кўчалари бўйлаб қатнашининг гувоҳи бўламиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

• ТАЪЛИМ

**Бугун битирувчилар олий ўқув юртлари, махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда давлат тестларини топширдилар. Шаҳримиздаги Электртехника тиббиёт техникумининг консультатив марказида ҳам тест синовларини ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилди.**

## МАРКАЗДА ИШ ҚИЗҒИН

Мазкур ўқув юртининг 4 та — ҳамширалик иши, даволаш иши, ортопедик стоматология ҳамда тиббиётнинг техник ускуналарига хизмат кўрсатиш ва тузатиш факультетларига 20 июндан 30 июлга қадар 1320 нафар битирувчилардан ариза тушган. Консультатив марказ ўз ишини анча аввал бошлаб, шаҳримиздаги мактабларнинг битирувчилари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди.

Техникумга республикамизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд каби вилоятларидан ҳам кўплаб йигитқизлар ҳужжат топширган. Билим масканининг барча факультетларида ўқишни хоҳловчилар анчагина. Айниқса, техникумнинг техник ускуналарга хизмат кўрсатиш ва тузатиш факультетида 3 йўналишда мутахассислар тайёрланиб, уларда энг замонавий касб эгалари тайёрланади.

Хуллас, битирувчилар учун махсус синов даври келди. Ундан эса билимли, зукко, интилувчан ёшларгина муваффақиятли ўтадилар.

Омад сенга ёр бўлсин, битирувчи — 2003!

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

**Тошкент давлат юридик институтида инсон ҳуқуқлари масаласига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Унда демократик жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, юртимизда бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари муҳокама қилинди.**

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, мамлакатда конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг асосий белгисидир. Анжуманда асосий қомусимизнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бобида тергов жараёнида гумон қилинувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланганлиги, шунингдек уларни нотўғри кўрсатма беришга мажбур қилиш, алдов йўли билан далилий ашёлар йиғиш, ноқонуний йўллар билан гувоҳлик олиш мумкин эмаслиги аниқ кўрсатиб ўтилганлиги таъкидланди. Тадбирда таклиф этилган мутахассислар ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар вакиллари бу борадаги вазият, республикамизда жазони эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирдилар.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар Жиноят кодексининг айрим бандларига ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда. Бу соҳада махсус гуруҳ иш олиб боряпти. Уларнинг тавсиялари мутахассислар томонидан таҳлил этилиб, яқин кунларда мамлакатимиз парламентига тақдим этилиши кўзда тутилган.

Турли ҳуқуқшунослар тажрибасини ўрганиш, қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун моҳиятини теранроқ англаб етиш суд прокуратура ва Ички ишлар ходимлари учун касбий заруратга айланди. Бу соҳада Америка юристлар уюшмаси, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссия бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган семинарлар ўз самарасини берди.

**«Туркистон-пресс»**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Нотариал идорада қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?**

**М. Усмонова, пенсионер.**

Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонунининг 23-моддасига мувофиқ давлат нотариал идоралари нотариуслари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

Битимларни, васиятномаларни тасдиқлайди, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномалар беради, мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

Ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;

Ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди; Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди; Кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради; Фуқаронинг тирик эканлиги фактини, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди.

**Меросхўрлар тўғрисида тушунча берсангиз. Мерос олишга нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш мумкинми?**

**Х. Мавлонова, уй бекаси.**

Фуқаролик Кодексининг 1118-моддасига асосан мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила бўлган ва мерос очилгандан кейин туғилган уларнинг фарзандлари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш Фуқаролик Кодексининг 1119-моддасида кўрсатилган. Мерос қолдирувчини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар болаларидан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар. Нолойиқ меросхўрлар мулкий оқибатларга дахлдор шахслар даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

**Мен уйда бўлган вақтимда бахтсиз ҳодисага учраб ногирон бўлиб қолдим. Мен ишлаётган корхонада шу сабабли меҳнат шартномасининг бекор қилинишини айтишди. Ногиронни ишдан бўшатиш мумкинми? Унинг қарамоғида вояга етмаган фарзандлари бўлсачи?**

**У. Ризаев, муҳандис.**

Бундай ҳолатда ходимни ишдан бўшатиш ёки унга лаёқатига мос келадиган бошқа ишни таклиф этиш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам буйруқ асосли бўлиши лозим. Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 2-бандига мувофиқ, ходимнинг малакаси ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга асос бўлади. Лекин шартномани бекор қилишдан олдин иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонасида унга мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

**Жавоблар Шайхонтоҳур тумани 1-сон давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Донохон Эшонова ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## НЕГА ШУНДАЙ? НЕГА?

Тонг саҳардан қўш карнаю сурнайлар, ноғораю чилдирмаларнинг жўр овози ширин уйқуда ётган одамларнинг қулоғини қоматга келтирди. Эрталабки ошга чорловчи бу овозни эшитиб, қўни-қўшнилар эринибгина ўринларидан туришди.

Яқинда маҳалладаги ночор ҳовлилардан бирини сотиб олиб, икки ойга етар-етмас эски хароба ўрнида икки қаватли шоҳона иморат тиклаган, қайсидир нуфузли идораларнинг бирида раҳбарлик лавозимида ишловчи Турғунбой исмли янги қўшни ҳовли тўйи ўтказаётган эди. Тўйхона томон яқинлашган сари одамларнинг сафи ортиб, улар оқими кўпайгандан кўпайиб борарди.

Икки томонни тўлдирган басавлат ҳассакашлар гўё кўча қаторлаб текис экилган теракдек узундан узоқ чўзилишган. Улар орасида кимлар йўқ дейсиз? Бай-бай, буйруқ берувчиларнинг кўплигини. Ҳатто ўз маҳалладошлари тўйида виқор тўкиб, эшик олдидаги дастурхон тўрида сўз уқтириб ўтирадиган маҳалла оқсоқоли Сайдулла ака ҳам бу гал ўртада пилдираб юрибди.

Бир хилда кийинган ҳассакашлар орасида турган Турғунбой аканинг қўли-қўлига тегмайди. Хайриятки, ёнидаги уддабурон киши чаққонлик билан унинг қўлидан тўёналарни дамбадам олиб турибди. «Хазинабон»нинг ўнг томонида қоғоз ва қалам тутган яна бир одам.

Стол-стул, дастурхон, (уларда булбулнинг сутидан бошқа ҳамма нарса бор) устига териб қўйилган анвойи нозу-неъматлар тўлдирилган бир хил биллур идишлар, чор атрофи қизил гиламлар билан ўраб ташланган ҳовлига янада файз киритиб юборган. Дастурхоннинг тўрт ерига чинни кўзада қимиз, унчамунча одамнинг кўзи кўриб қулоғи эшитмаган «Аристократ» ароғи қўйилган. Мўлжал оз эмас, кўп эмас киши бошига 100 граммдан. Қолаверса эрталабки ошда бўкиб тўйгунча эмас, бош оғриғи учун ичилади.

Ёнимдаги ҳамроҳим секин сўради.

— Бу ароқнинг неча пул туришини биласизми?

— 5-6 минг турса керак, — дедим шиша ёзувига тикилиб.

— Тушингизни сувга айтинг биродар. Бунинг ҳар бир шишаси 45-50 доллардан кам эмас.

Эшитиб қалқиб кетдим. Вой, тавба, шунча пул тугул шу вақтгача ҳатто унинг 1 долларини ҳам қўлига тутмаган одамлар бор-а. Ахир ўшалар бу тўйнинг таърифини эшитса нима дейишади? Бу нима ўзи, чиндан ҳам ҳовли тўйими ёки манманликми?

Гапнинг қизиғини эртасига эшитдик. Қарангки одамлар орасида достон бўлган бу тўй — эгасига ёқмабди. Тўғрироғи татимабди. Шундай тўй-а, нега? Тўйбоши кутган энг азиз меҳмон тўйга келмаган эмиш. Турғунбой ака бирор юмуш чиқиб қолган бўлса кечроқ келсалар керак деб, хўжайинини кўзи тўрт бўлиб пойлабди. Аммо ундан дарак бўлмабди.

Кўп ўтмай, дангиллама тўйидан кўнгли тўлмаган Турсунбой ака: «Бу жой изли-кутли келмади», дея ҳовлисини бошқа одамга жаҳл билан сотиб юборди. Ўша тўйда «Аристократ» ароғини татиб кўрганлар эса ҳали-ҳануз: «Биз шунақа ароқ ичганмиз» деб гердайиб юришибди.

Яқинда Турғунбой ака ҳақида янги бир гап эшитиб қолдик. Шундай бадавлат одам ночор кун кўрувчи ногирон укасига қайишмаган экан. У ўғил уйлантираман деб пулга муҳтож бўлиб акаси олдига қарз сўраб келганида Турғунбой ака: «Кўрпага қараб оёқ узатиш керак», деб укасини қуруқ қайтарган экан. Укаси ўша тўйда кимгадир бу ҳақда йиғлаб гапирибди.

Бу воқеадан ҳаммамиз ажабландик. Оқибатни қарангки, ўртага ҳар бир шишаси 45-50 доллар турадиган ароқни қўйган одам, ўз укасини ақалли икки шиша ана шунақа ароқнинг пулига арзитмабдия.

Биз бунақа дангиллама тўйлар, оқибатсиз кишилар ҳақида кўп эшитганмиз. Ён атрофимизда содир бўлаётган бу кимўзарлик учун қилинаётган тўй ва маросимлардан барчамиз хабардормиз. Бундай манманлик нима ва кимлар ҳисобига бўлаётгани ҳам бизга кундек равшан. Лекин ҳеч биримиз ноқобил йўл билан бойлик орттириб, сохта обрў олмоқчи бўлган бундай кимсаларнинг юзига тилимиз учида турган гапни дангал айта олмаймиз. Нега шундай? Нега? Нима бизда андиша шунчалик кучлими? Лоқайдлигимиз шунчаликка бориб етдимики, баъзан яхши-ёмонни кўриб- кўрмасликка оламиз. Қачонгача тўғри сўзни бетга айтишдан иймaниб юрамиз? Қачонгача бу ҳақда юқори ташкилотлардан махсус буйруқ ёки кўрсатма келишини кутамиз?

## КИМ НИМА ҒАМДА?

Дам олиш ҳам ҳар хил бўларкан. Биров заруратдан, биров йил бўйи қилган оғир меҳнатдан сўнг чинакам ҳордиқ чиқариш ниятида, яна биров эса кўнглини хушлаш учун дам олиш режасини тузаркан.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида соя-салқин, сўлим, баҳаво манзиллардан бирида жойлашган дам олиш масканида бўлдик. Бир хонага уч киши жойлашдик. Биринчи кунiёқ танишиб, ҳангомалашиб кўнгилдаги дардимизни бир-биримизга айтиб ҳасратлашдик. Билсак, уччовимизнинг «касалимиз» уч хил экан. Юқори ўриндиқдан жой олган Ботир ака қабзиятга даво излаб Гулистон шаҳридан келибди. Каминанинг мақсади эса толиққан асабларга дам бериш, учинчи биродаримиз биздан бироз ёшроқ, умрининг 55 баҳорини қаршилаган Холтойнинг илинжи эса бутунлай бошқа.

—Эй акахонлар, мен бу ерга Фарғонадан бутунлай бошқа мақсадда келганман. Очиғи, «касалим» сизларникидан бўлакча. Уч-тўрт кун бўлса ҳам ўзимга бирор жононни топиб у билан кўнгилхушлик қилиш илинжида келганман бу дам олиш масканига.

Дастлаб бу гапни ҳазилга йўйиб мириқиб кулишдик. Кейин билсак, Холтой дилидаги гапни айтган экан. У эртасидан бошлаб аёллар гавжумроқ бўлган 3-корпусга серқатнов бўлиб қолди. Шундай кунларнинг бирида кечаси у алла-паллада қайтиб биз ҳамхоналарини безовта қилиб уйғотиб юборди.

— Қаерда эдингиз? —десак у:

— Эй акахонлар сўраманглар, — деди сархуш жилмайиб. Бир ҳурилиқони топиб олдим. «Ўхшатмагунча учратмас» деганларидек, у бечора ҳам эридан куйган экан. «Биз эса хотиндан безган. Қаранг, икки ёрти бир бутун бўлдик. Бу ўткинчи дунёда бошқаларга ўхшаб биз «ғариблар» ҳам уч-тўрт кун роҳат қилсак қилибмизда» десам у: «Шуни айтинг», дея хахолаб пинжимга кирди.

Дастлаб Ботир ака, кейин мен унга бу қилмишининг оқибати яхшилик билан тугамаслигини бироз истиҳола тушунтирдик.

— Билиб қўйинг, — деди Ботир ака, — ёмон ишнинг касофати албатта бирор нарсага уради. Гулдек болаларингиз бор экан, бемаъниликдан кўра уларни ўйланг, дуосини қилинг. Бунинг устига ёшингиз ҳам анча ўтиб қолган. Бировнинг хотинини йўлдан уриш сизга ярашмайди.

Навбати билан мен ҳам тушунтирдим.

Йўқ, бўлмади. Холтой ўз билганидан қолмади. Бунинг устига бизнинг кундалик насиҳатларимиз жонига тегди шекилли кимлар биландир келишиб бошқа хонага кўчиб ўтди.

— Яхши бўлди. Қайтанга энди тинч ётадиган бўлдик, — деди Ботир ака суюниб.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб кечки пайт эшигимиз тақиллаб қолди. Бориб очсак гўзал бир жувон хаёлланиб турибди. Олдинига Ботир ака ҳам, мен ҳам Холтойнинг навбатдаги «ўйнаши» бўлса керак, деб унга хўмрайма қараш қилдик. Жувон:

— Кечирасизлар, амакижонлар, Холтой ака шу хонада турадиларми? Мен у кишининг аёлларимaн. Атайлаб Фарғонадан қўрғани келганман, — деган сўзидан ҳангу манг бўлиб нима дейишни билмай қолдик.

— Шу ерда турарди, ҳозир бошқа хонага кўчиб ўтганди, — деди ниҳоят Ботир ака. Кейин Холтой ака топган хонани айтдик. Жувон узр сўраб эрини қидириб кетди.

— Уят, қаранг гулдек хотини бўла туриб, шунақа бемаъни ишларни қилиб юрса-я, — деди Ботир ака куюниб.

Кечки сайлга тушсак, ўша жувон ёнида ўғилчаси билан ҳовлидаги ўриндиқда хаёл суриб ўтирибди.«Ҳа», десак «У кишини тополмаяпман, ҳозирда шу яқин атрофда юрувди, дейишяпти ҳамхоналари. Балки сизлар биларсизлар қаерда бўлишларини амакижонлар?»

Очиғини айтишга иймандик. «Билмадик», деб қўя қолдик. Жувон анча кутди, безовталанди. Эридан дарак бўлмади. Бир қарасак норасида боласи ўриндиқда ухлаб қолибди. Жувон эса бетоқат у ёқдан бу ёққа бориб келяпти.

Кечки уйқу чоғи шовқин-сурон бўлиб қолди. Холтой уйдагилар келганидан бехабар янги хуштори билан қўлтиқлашиб келаётганда хотинининг олдидан чиқиб қолибди.

Эртасига бу гап ҳаммага тарқалди. Ҳатто бундан санаторий раҳбарияти ҳам хабар топибди. Бошлиқлар кўпчилик дам олувчиларнинг талабларига асосан ҳамда ички тартиб-интизомни бузганлиги учун иккала гуноҳкорни санаторийдан ҳайдаш ҳақида кўрсатма берибди.

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

# АНТАРКТИДАНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида ёзувчи, саёҳатчи-рассом Евгений Березиковнинг "Ёзувчи Евгений Березиковнинг Антарктидага саёҳати" номли фотокўргазмаси очилди.**

— Антарктида ўз сири билан кишини мафтун қилади, - деди Евгений Березиков "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ўтган йилнинг 5 ноябрь ойидан жорий йилнинг 15 февралигача 48-халқаро Антарктика экспедицияси таркибида бўлиб қайтдим. Ер куррасининг олтинчи қитъасида бўлишни азалдан орзу қилардим. Зеро, мен 32 та давлатда ўз кўргазмаларим билан иштирок этганман. АҚШ, Мексика, Германия, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Миср шулар жумласидандир.

Е.Березиковнинг таъкидлашича, айниқса, Антарктида музликлари, у ердаги ғаройиб пингвин, тюлень ва оқ айиқлар ўзига ром қилади. Шуниси қизиқки, пингвинлар инсонларни кўриши билан ёнингизга ўз тилларида алланималарни чуғурлаб, саломлашгани келади гўё. Шуларнинг ҳаммаси тасвирга туширилди. Натижада 40 дақиқалик "Антарктида сирлари сари" номли фильм яралди.

Таъкидлаш жоизки, ёзувчи 1941 йилда Россиядан Фарғонага келди. Шу ерда тарбияланди. Тилимиз ва урф-одатларимизни яхши ўрганди. У "Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд" асари, "Буюк Амир Темур", "Чўчиманг, каптарлар", "Ўзбекистоннинг афсона ва сирлари", "Қизил Бухоро", "Заргар қутиси" каби роман ва китоблар муаллифи ҳисобланади.

— Ҳали кўп давлатларга саёҳат қилмоқчиман, -деб сўзини давом эттирди Е.Березиков. – Саёҳатларим натижаси ўлароқ, янги асарлар дунёга келади. Ижодкорнинг бахти шунда бўлса керак. Қаерда бўлмай, Антарктиданинг сирли олами бир умр қалбимда сақланади.

**«Туркистон-пресс»**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

**Меҳнат ҳақида**

- Ҳар ким меҳнат қилса топади.
- Ҳалол меҳнат бошланишдан фойда келтиради.
- Заҳмат чеккан пушаймон қилмайди.
- Тошларни у ёқ-бу ёққа ол, бўш ўтирма.
- Эҳтиёткор деб, қўлида бўлганини сақлайдиган ва бугунги ишини эртага қўймайдиган одамга айтилади.
- Кишининг ҳунари унинг бойлигидир.
- Ўз меҳнатинг билан эришган хазинангни асра.

**Ота-Ватан ҳақида**

- Туғилган ер эмас, ўрнашган ер инсонга Ватандир.
- Ватан севгиси бўлмаса эди, ёмон ўлкалар харобаликка тушиб қоларди.
- Ватан севмаган инсон бўлмас.
- Ватан вайрона бўлса ҳам, масал бор, у ҳақиқий жаннатдир.
- Ватанни севиш имондандир.
- Ватанга келдим, имонга келдим.

**Илм ва илм аҳли**

- Сўзи, фикри, амали бир бўлган одам олимдир.
- Илми ва шарафи бўлган одам бошқалардан юқори бўлишга лойиқдир.
- Илм келин кабидир, хилват хона истайди.
- Олимнинг либоси бўлмаса ҳам, илми айбини беркитади.
- Ақлли одам бир иш қилмоқчи бўлганда, ишнинг мутахассиси бўлса ҳам, ўзгалар билан маслаҳатлашади, чунки ўзбилармон йўлдан озади, бир ўзига ишонган тез йиқилади.
- Ақлли гунг одам, нодон нотиқ одамдан яхшидир.
- Ақлли одам ўзини лойиқ бўлгандан юқори қўймайди.
- Сузувчи оқар сувнинг охирига тўғри сузиши каби, ақлли одам ҳам замонига мос рафтор қилиши керак.
- Ҳар икки дунёнинг роҳати илм биландир, шунингдек ҳар икки дунёнинг зиёни нодонлик биландир.
- Оғиздан чиққан бир калима сўз ҳам унинг эшитган одамнинг ё муҳаббатини, ёки адоватини жалб этади. Шунинг учун ҳар бир сўзимизни ўйлаб, эҳтиёт билан сўзлайлик. Оғзимиздан чиққан сўзлар эшитганларнинг дилларини ранжитмасин, уларнинг нафрат ва адоватларига сабабчи бўлмасин.
- Олимлардан Ризоуддин ибн Фахриддин айтади:

— Тўй умрда, кўп вақт бир-икки марта келади. Шунинг учун шодлик изҳор қилиш одатдир. Агар исрофдан сақланилса, тўй қилишдан зарар йўқдир, лекин ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиб, тўй маросимларини ижро этиш ҳар жиҳатдан зарарлидир.

Шуҳрат ва обрў қозониш учун кўп пул сарф этиб исрофли тўй қилиш — ақлли кишининг иши эмасдир. Мақбул тўй содда ва ихчам бўлган тўйдир. Тўй куни ҳамма ёмонликларнинг манбаи бўлган ичкиликлар ҳозирлаб, маст-аластлар йиғилишини ташкил қилиш тамомила беманиликдир. Муҳтарам тўй эгалари бунга эътибор бериб, тўйларини ичимликсиз ўтказишлари ва исрофга йўл бермасликлари лозим.

**Байт:**

**Бохабар бўлгил бад ишдан**
**бад юқар,**
**Иллатийнинг бўйидан**
**иллат юқар.**

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади.
Т: 22-98-05

# ТЎЙЧИ ҚЎЧҚОРЛАР

## Эртакнамо ҳангома

Бир жонажон дўстим қизини чиқарадиган бўлди. Таклифнома берар экан, тўй келадиган кундан то висол оқшоми ўтгунча унинг измида бўлишимни қайта-қайта уқтирди. Ўзингизга аён рози бўлмай илож йўқ. Ахир болаликдан кўча чангитиб, кузда мактабга қатнаётганда боғ кўчадаги ёнғоқларга тош отиб ўсган, балоғат ёшига етганда бир қизга иккимиз ҳам ошиқ бўлган қадрдон дўстим. Ҳар юмушда ҳамиша қамишдан бел боғлаб хизмат қилишга киришадиган улфатимиз.

Тўй келиши белгиланган кун эрталабдан дўстимнинг хонадонига тўёнани белга боғлаб қадам ранжида қилдим. У жуда хурсанд, қувончи терисига сиғмай қучоқ очиб кутиб олди. Қуда томонидан тўй олиб келадиган меҳмонларни кутиб олиш учун тортиладиган таомлардан тортиб, улар ўтирадиган хонада дастурхон қандай тузатилиши, қайтишларида кийдирадиган тўнлар, бериб юборадиган сарполаргача бирма-бир кўрсатди.

— Қодиржон, тўй келишининг ўзи кичик бир тўй экан-да, — дедим.

— Ҳа, нима деб ўйлаган эдинг, Тўлаган. Қудам тагли-тахтли, баобрў одам. Куёв бизнесмен, — дея таърифини бир-бир қилиб, сифатини санаб кетди.

— Баланд дор, яхши жойдан қуда бўлибсан. Осилсанг баланд дорга осил..., — деб бежиз айтишмаган. Қизинг ўша хонадонда бахтли бўлиб, туп қўйиб, палак ёзсин, деб юзимга фотиҳа тортдим. Ҳасад эмас, ҳавас қилдим.

Тўй айни белгиланган соатда қўша-қўша тоғоралар, мева-чевалар қоғоз қутиларда, бир-бирига боғланган турли-туман ичимликлар, жуфт-жуфт қопларда гуруч, ун ва бошқа масалиқлар усти ёпиқ машинада келди. Думбасининг залваридан чайқалиб-чайқалиб қадам босадиган чиройли қора қўчқор каттадан-кичикнинг беихтиёр эътиборини ўзига тортарди. Уни ҳамманинг назари тушадиган жойга боғлаб қўйишди.

Тўй олиб келган қуда томон вакилларига эса иззат-икром билан кутиб олиниб, рисолада битилгандай меҳмон қилинди. Дастурхонга янги узилган буюртма сомса, манти, норин, хасип, кабоб — хуллас етти хил қуюқ ва суюқ таом тортилди.

Қуда томон вакиллари қайтишларида машина яна тоғоралар, совға-саломларга тўлди. Ҳар бир вакилга духоба тўн кийгизилди, ҳадялар целлофан халталарда қўлларига берилди.

Меҳмонларни кузатиб қора қўчқор боғланган жойга қарадим.У ғойиб бўлган. Қассоб келиб уни сўйишга киришдимми деган хаёлга бордим. Шундай бўлса ҳам:

— Қодиржон, қудангнинг ҳиммати жуда баланд экан. Қора қўчқор юборибди. У қаерда? — деб сўрадим.

— Янги тўйни олиб боришга кетди, — деди Қодир одатидай мийиғида кулиб.

— Нима деяпсан ўзи?

— Ҳозир шундай удум қарор топган экан, — деди Қодиржон ва бундай семиз қўчқорлар маҳалла-кўй, қариндош-уруғ кўзига олиб келиниши ҳамда унинг эвазига нимталанган гўшт берилишини гапириб берди.

— Э, ҳа, семиз қўчқорлар бармоқ билан санарли бўлса керак. Улар қирилиб кетмаслигининг бу самарали йўли дегин.

— Эҳтимол шундайдир. Биласан, кўпчиликка қарши бориб бўлмайди. Бу тезоқар сувга қарши сузиш билан тенг.

Дўстимга нима ҳам дердим. Нафасимни ичимга ютдим. Орадан икки ҳафта ўтгандан сўнг маҳалламиздаги дарвозаси бир-бири билан ёнма-ён икки хонадонга тўй келди. Қайси кўз билан қарайки, улардан бири Қодиржон дўстимнинг тўйига келган ўша қора қўчқор. Иккинчиси у билан беллашадиган фақат жунлари ўсиқ тарғил қўчқор.

— Нега хаёлга толиб қолдингиз, Тўлаган ака? Ошдан олинг. Ошпаз қўли дард кўрмасин, гуручни ҳам сайратиб юборибди, — деди мен билан ёнма-ён ўтирган шеригим қассоб Эркин.

— Ҳа, иликдек ош бўлибди, — дедим.

Дастурхонга фотиҳа ўқилиб турганимиздан кейин Эркинга бўлиб ўтган воқеани қисқача гапириб бердим.

— Энди билдингизми, Тўлаган ака? Эркин ҳаётдан орқада қолибсиз-да, дегандек кулиб қаради. — Бу қўчқорларнинг шай турган эгалари ва харидорлари бўлиши керак. Агар харидори йўқ бўлса, мол бозорда кўрасиз. Эртага бозор. Истасангиз ўзим билан бирга олиб кетишим мумкин.

Ҳақиқатан эртасига бозорда қора қўчқорлар олдида савдолашаётган кишиларни кўриб гувоҳ бўлдим. Улар қўчқорларни ечиб, машинага чиқариш учун етаклаб кетишди.

Ҳар икки қўчқор шаҳримизнинг қайсидир маҳалласидаги тўйхонада бўлади. Қудаларнинг эзгу орзу-ҳавaслари рўёбга чиқишида хизматда бўлади.

**Карим РАҲИМ**

## Бўш вақтингизда

# «Хотира» бошқотирмаси



**Жавоблар белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади:**

1. Атоқли ўзбек саркардаси, генерал. 2. «Падаркуш» асари муаллифи, маърифат ҳомийси. 3. Ўзбек ҳуқуқшунос олимаси. 4. Жасорат соҳиби. 5. Атоқли устоз ёзувчи. 6. Давлат ва сиёсат арбоби, қатағонлик йиллари қурбони. 7. Андижонлик қаҳрамон жангчилардан бири. 8. Ёдгорлик, хотира рамзи. 9. Ватанимизнинг олий нишонларидан бири. 10. Театр ва кино санъаткори, таниқли устоз. 11. Азиз диёрга, инсонга вафодорлик. 12. Жангчи адиб, «Вафодор» романи муаллифи. 13. Қатағон қурбони бўлган, маърифатпарвар шоир. 14. Устоз қўшиқчи, эстрада санъати намояндаси. 15. Ўрта асрда яшаб ўтган риёзиёт ва фалакиёт алломаси. 16. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур замондоши бўлган муаррих. 17. «Мирзо Улуғбек» саҳна асарини ёзиб қолдирган атоқли адиб. 18. «Алишер Навоий» фильмида бош қаҳрамонни гавдалантирган устоз санъаткор.

**Муаммонома**

Шакл марказидаги рақамларда ҳикматли сўзлар яширинган, уларни қуйидаги очқич сўзлар ёрдамида билиб олинг.

1. Тараққиёт асосларидан бири — 6, 1, 5, 1, 12.
2. Ишонч, мамнуният — 10, 2, 11, 9, 2, 4.
3. Эрки ўзида бўлган, озод — 14, 13, 3.
4. Дил изҳори — 8, 2, 4.
5. Совға, ҳурмат рамзи — 7, 2, 5.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 25 ИЮЛЬ СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Ёйлар бўйича:** 1. Гилос. 2. Зиғир. 3. Копот. 4. Чарос. 5. Пилла. 6. Ҳирот. 7.Писта. 8. Чилла. 9. Касса. 10. Парта. 11. Мақом. 12. Пайса. 13. Иқлим. 14. Оқшом. 15. Кобул. 16. Босим. 17. Соҳил. 18. Довул. 19. Темир. 20. Бедил.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Бет. 2. Кўмир. 3. Ҳоқон. 4. Бағдод. 5. Сули.

**Ҳикмат: Ҳуррамлик китобин ўқимоқ керак, Дилда ғам кўкати ўсмасин андак.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-707. Топширилди 12.40 1 2 3 4 5 6